
ҚУВАСОЙДА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ВА МУРОЖААТЧИЛАР ЎРТАСИДА САМИМИЙ САЙЁР ҚАБУЛИ ЎТКАЗИЛДИ

Бугун ҳар бир юртдошимиз жўшқин ҳаёт нафасидан баҳраманд бўлиб, ислоҳотлар жараёнида шунчаки томошабин сифатида четда туришни истамайди. Шу боис вилоят ҳокимининг ўринбосари Саидмурод Аминжонов билан бўлиб ўтган навбатдаги сайёр қабулда мурожаатчилар жуда ҳам фаол иштирок этди

Қувасой шаҳридаги самимий мулоқотда ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортиш, электр таъминоти сифатини яхшилаш мақсадида бетон таянч устунлар ўрнатиш, маҳалланинг ички йўллари ободонлаштириш, ишга жойлашиш сингари 20 нафарга яқин мурожаатчиларнинг муаммо ва масалалари ўрганилди.

“Тараққиёт капитал” оилавий корхонаси раҳбари Исоқжон Аҳмедов мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш учун 200 тоннали музлатгичли омборхона қуришни режалаштирмоқда. Унинг мурожаати Марказий банкнинг Фарғона вилоят бош бошқармаси бошлиғи Туробжон Қундузов томонидан ўрганилиб, банк мутахассислари томонидан бизнес-лойиҳа тайёрлашга кўмаклашиладиган бўлди.

Одилжон Акрамовнинг Полмон МФЙ, Махмутали Юсупжоновнинг Лашкар МФЙдаги қишлоқ врачлик пункти фаолиятини қайта тиклаш мақсадида қилган мурожаати бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари масаланинг қонуний асосларини тушунтиришди.

М.Солижоновнинг тиббий-диагностика маркази ташкил этиш, А. Маматхалиловнинг “Фарғона-Қувасой” автомагистралда кўча чироқлари ўрнатиш, Ж. Бурхонованинг Қувасой шаҳар Мактабгача таълим бўлими маъмурий биноси қуриш учун маблағ ажратиш, А. Раҳмонёровнинг Лашкар, Намуна, Қўчқорчи маҳаллаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, Наргиза Бекмуратованинг “Лағмон маркази” ошхонаси кириш йўлагини очиш сингари масалаларда қилган мурожаати тегишли тартибда ўрганилди.

Сайёр қабулда Юқори Мўян МФЙда истиқомат қилувчи Асилбек Каримов, Абдулазиз Адҳамжонов, Валижон Ҳайитбоевлар якка тартибда қурилган уй-жойлари ноқонуний деб топилиб, бузилишга тушгани учун ёрдам сўраб мурожаат қилишди. Мутахассислар томонидан бу муаммоли масала судда кўриб чиқилиши билдирилиб, тегишли суд идораларига мурожаат қилиш зарурлиги тавсия этилди. Ҳақиқатан ҳам бу каби оғриқли муаммолар ҳаётини ҳақиқат эканлиги таъкидланиб, эндиликда бундай қонунбузарликларга барҳам бериш учун уй-жой қуриш, тадбиркорликни амалга оширишга ер майдони туман ёки шаҳар ҳокими қарори асосида эмас, адолат ва шаффофликни таъминлаш мақсадида тендер савдолари орқали сотиш тартиби жорий этилгани айтиб ўтилди.

— Коронавирус пандемияси даврида давлатимизнинг юксак меҳр-эътиборини ҳис этиб яшаётганимиздан беҳад мамнунмиз, — дейди Тўхтасин Абдуқодиров. — Шу боис барча Қувасой аҳли номидан Президентимизга чексиз миннатдорчилик билдирамыз.

Шу кунларда элимизнинг ризқи бўлган ғалла ўрим-йиғими бошланди. Шаҳар ҳудудидаги 4,5 минг гектар мевали боғларимиз шарбатга тўлиб пишди. Мева-сабзавотчилик борасида белгиланган экспорт режасини бажариш, ички бозорларимиз барқарорлигини таъминлаш учун астойдил меҳнат қилмоқдамиз.

Юзма-юз мулоқотларда ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмади ва сайёр қабулга келганларнинг кўнгли хотиржам бўлишига эришилди.